

ҲУДУДНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Улар асосида ушбу ҳудудларни ривожлантириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори тайёрланган. Бу қонуний ҳужжатлар ижроси Сенатнинг қатъий назоратида бўлади.

Илгирлида алоҳида қайд этилганидек, Сенат ишчи гуруҳининг Тошкент вилоятидаги ўрганиш натижаларига кўра, бир қатор давлат дастурлари ижроси борасида қатор камчиликларга йўл қўйилган. Бундай камчиликларни ўй-жой, йўл қурилиши, маҳаллаларни ободонлаштириш, қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш йўналишларида кузатиш мумкин. "Саховат ва кўмак" умумийлик ҳаракати доирасида кўрсатилган моддий ёрдамларни ўзлаштириш, қўшиб ёзиш, мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш сингари ноҳус ҳолатлар ҳам аниқлангани ачинарлидир.

Вилоятда коронавирус пандемиясига қарши кураш борасидаги ишлар таҳлили ҳам қувонарли эмас. Булар ҳам қатор кўзбўямачиликларга йўл қўйилган. Бандлик, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш бўйича давлат буџетмасини бажариш

борасида эса сохтаниклар жуда қўлба топилади.

— Одамлар тақдирига бефарқлик оқибатида вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қатор хатоларга йўл қўйилган, — деди Сенат Раиси. — Ҳисоботларда амалда йўқ бўлган 800 та иш ўрни яратилди, деб ёлғон маълумот берилган. Давлат буџетмасига кўра режалаштирилган 5 минг 500 га яқин иш ўринларини яратиш вазифаси эса бажарилмаган.

Илгирлида мазкур ҳолат юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутасаддилар тушунтириш берди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган 655 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги 4 155 та топшириқдан 41 таси вақтида ва тўла бажарилмагани ўрганишлар жараёнида аниқланди, — деди Олий Маҳлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ботир Матмуратов. — Хусусан, давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташири доирасида амалга оширилиши белгиланган 30 та инвестиция келишув ижроси ўрганилганда, қиймати 622,4 млн. долларлик 14 та келишув ижроси тўхтаб қолганлиги, 339,3 млн. долларлик 7 та келишув ижроси муддатидан кечиккани, 450 млн. долларлик

5 та лойиҳа эса умуман бошланмаганлиги аён бўлди. Шунингдек, инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилиши лозим бўлган 909 та лойиҳадан 233 тасининг ижроси ортада қолмоқда.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш 2019 йилда 67,7 фоиз, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида 56 фоиз кўрсатилган бўлса-да, ўрганиш давомида ушбу кўрсаткич мос равишда 48,6 ва 51 фоизни ташкил этгани аниқланган. Ҳисоботларда қўшиб ёзиш ҳисобида ошириб кўрсатиш ҳолатларига йўл қўйилиши оқибатида маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган, ўхшаш маҳсулотлар импорт қилинган.

— Вилоятда ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини ҳам қонқарли, деб бўлмайди, — дейди ишчи гуруҳи аъзоси, сенатор Малика Қодирхонова. — Импорт маҳсулотларини маҳаллийлаштириш дастури ўрганилганда, қатор лойиҳаларда қўшиб ёзиш ҳолатлари аниқланди. Ҳудуд пойтахт вилояти бўлишига қарамастан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда ҳам қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Масалан, 14 та аҳоли манзилида сув қувурларини янгилаш ва таъмирлаш учун йўналтирилган 19,3 миллиард сўмлик маблағ мақсадсиз ишлатилган. Натижада бажарилиши кўзда тутилган

ишлар амалга оширилмаган ва аҳолига ичимлик суви етиб бормаган.

Кайд этилганидек, янги иш ўринлари ташкил қилиш бўйича давлат буџетмасини бажаришда ҳам муайян камчиликлар мавжуд. Хусусан, давлат буџетмасидаги 7 та йўналиш бўйича белгиланган кўрсаткич 32 минг 847 тага ёки 108 фоиз бажарилган бўлса-да, 2 та йўналишда 5 минг 439 та иш ўрни яратилиши таъминланмаган. Танлов асосида 2019 йилда ҳақиқатда яратилмаган иш ўринлари ҳудудлар ва йўналишлар кесимида ўрганилганда, уларнинг сони ҳисоботларда кўрсатилганга нисбатан 797 тага кўпни ташкил этган.

Сайёр мажлисда таъкидланганидек, жойларда йўл қўйилаётган бу каби хато ва камчиликлар аҳолининг ҳаёти эътирозига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида Сенатга бугунча вилоят аҳолиси 800 дан зиёд мурожаатлар келиб тушган. Бундай эътирозлар сони, айниқса, Зангиота ҳамда Қўйрат туманларида кўпайиб бораётгани ачинарлидир.

Шу ўринда Сенат Раиси жойлардаги ҳоким ва раҳбарларга мурожаат қиларкан: "Ҳокимлик идоралари, Халқ қабулхоналари ишламаяптими?!" дея ҳақли савол берди.

Мажлисида шу ва бошқа камчиликлар сабаблари таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Олий Маҳлис Сенати ва Ҳисоб палатаси томонидан Тошкент вилоятида ўтказилган ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унда, масалан, амалга ошириш муддатидан кечикаётган 10,9 триллион сўмлик 126 та ҳамда амалга ошмай қолган 20,7 триллион сўмлик 107 та лойиҳанинг ишга туширилишини ўрганиш учун хатлов ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда истиқболсиз лойиҳаларни ўриндош лойиҳалар билан алмаштириш ва уларнинг белгиланган муддатларда ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан Олий Маҳлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг журналист ва блогерлар учун мазкур масалага бағишланган мақолада анжумани ўтказилди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).

Парламент назорати

Олий Маҳлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси йилгилишида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури бўйича 2019 йил ва 2020 йилнинг биринчи ярмида Фарғона вилоятида амалга оширилган ишлар бўйича мутасадди вазирлик ҳамда идоралар, вилоят ҳокимлиги раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Фарғонада ижро масъулияти қандай?

Таъкидланганидек, аввало, аҳолини дастур моҳияти билан яқиндан таништириш ҳамда фуқароларнинг имтиёзли кредитга бўлган эҳтиёжини ўрганиш мақсадида кенг қамровли учрашувлар, тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури бўйича 2019 йилда тижорат банклари томонидан 34 минг 309 та лойиҳага 707,7 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилган.

Дастур бўйича ишлаб чиқариш йўналишига ўн мингга яқин лойиҳалар учун қарийб 160 миллиард сўм кредит йўналтирилган. Бундан ташқари, дастур ижросини тизимли олиб бориш мақсадида фуқаролар ва тадбиркорларга 405 та таъминотчи корхона томонидан 503 хил турдаги товарлар етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши ташкил этилган ҳамда 492 салоҳиятли тадбиркорга 1086 нафар ёш тадбиркор бикриштирилган.

Вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги маҳаллалар иттифоқларида келиб чиқиб, "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили ҳам йўлга қўйилган.

Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 баробаридан юқори бўлган 4 та лойиҳага 9,5 миллиард сўм кредит ажратилиб, 4564 та иш ўрни яратилган. Натижада вилоят бўйича шу йилнинг биринчи ярмида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурига 177 миллиард сўм, "Yoshlar — kelajadimiz" Давлат дастурига 20 миллиард сўм, хунарманчилик дастурига қарийб эллик миллиард сўм, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ҳам кредитлар ажратилган.

Улар ҳисобига жорий йилнинг ўтган даврида 9200 га яқин янги иш ўринлари ташкил этилган.

Йилгилишида ўрганиш давомида вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимлиги фаолиятида дастур ижроси бўйича бир қатор муаммо ҳамда камчиликлар аниқлангани ҳам таъкидланди.

Жумладан, дастур доирасида қўллаб-қувватлаш муҳтож оилалар, аҳоли сони ҳисоби юритилмаганлиги ажратилган имтиёзли кредитлар орқали ҳақиқатда муҳтож оилалар ва аҳолининг қанчалик ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватланганини баҳолаш имконини пасайтирди.

Ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва самарадорлиги бўйича мониторинг юритилмаган. Сарфланган маблағларнинг натижасини аниқлаш ишлари тизими йўлга қўйилмаган. Бу эса келгусида кредитларни ажратиш йўналишларини белгилаб олиш стратегияларини ишлаб чиқишда ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Дастур мувофиқлаштирувчи сифатида Молия ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги қарори билан юклатилган вазифалар ижросига етарли эътибор берилмаган.

Онлайн мулоқот шаклида ўтказилган тадбирда йўл қўйилган шу каби камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Мазкур масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТОШКЕНТДА НИМА ЯНГИЛИК БЎЛСА, НУКУСГА КЕЛАДИ

Президент ҳозирги мураккаб пайтда раҳбар бўлиш осон эмаслигини, Қорақалпоғистонни ривожлантириш бўйича бошланган ишларнинг салмоғи эндиликда икки-уч қарра кўпайтириб давом эттирилиши таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу давримизга тавсия қилинган Мурод Камолов XX аср ўрталарида бу элга хизмати сингган Қаллибек Камоловнинг фарзанди. Депутатлар ватанпарвар, фидойи инсон номзодини бир овоздан маъқулади.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янадак топшириш режаларини белгилаб берар экан, 16 туманда "ўсиш нукталари" бўйича тадбиркорлик субъектлари 3 йил муддатга ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналарнинг айланмасидан олинмаган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғидан озод этилишини таъкидлади.

Тахтакўпир, Бўзотов ва Шуманай туманларида янги ташкил этиладиган саноат корхоналари ҳам 3 йил муддатга солиқ ҳамда божхона имтиёзлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари қорақалпоқ юртида балиқчилик, чорвачиликда оилавий кооперацияларни йўлга қўйиб, паррандани кўпайтириб, гўшт нархини арзонлаштириш чораларини қўриш юзасидан ҳам қатор вазифаларни белгилаб берди. Айниқса,

Қорақалпоғистонда маданият, санъат, адабиёт йўналишларида белгилаб берилган устувор ва зифалар биз ижодкорларни янада тўлқинлантирди.

Халқимиз Нукус шаҳрини Ўзбекистоннинг иккинчи пойтахти, деб севади. Давлатимиз раҳбари Нукуснинг янада кўркам, обод, замонавий қиёфа касб этиши юзасидан аниқ кўрсатмалар берди.

"Тошкентда нима янгилик бўлса, Нукусга келиши керак, — деди Президент. — Янгича ишламасак, замон қабул қилмайди".

Шу билан бирга, Президентимиз ҳар бир депутат ва сенаторнинг халқ олдидаги масъулиятига алоҳида урғу берди. Юқори палата олдида Орол инқирози му-

аммоларини бартараф этишга қаратилган барча масалалар ижросини назорат қилиш бўйича янги қўмита тузиш вазифасини кўйди. Бу Оролнинг қуриган ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш, халқро ташкилотлар билан ишлаш, давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар ўз вақтида бажарилишини назорат қилишда катта аҳамиятга эга.

Биз сенаторлар ҳам, албатта, Президентимиз талаб этаётганидек, ҳар лаҳза халқ дарди ва муаммолари билан яшаймиз, уларнинг хал қилинишида давлатимиз раҳбарига камар-бама бўламиз.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Маҳлис Сенати аъзоси.

аммоларини бартараф этишга қаратилган барча масалалар ижросини назорат қилиш бўйича янги қўмита тузиш вазифасини кўйди. Бу Оролнинг қуриган ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш, халқро ташкилотлар билан ишлаш, давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар ўз вақтида бажарилишини назорат қилишда катта аҳамиятга эга.

Биз сенаторлар ҳам, албатта, Президентимиз талаб этаётганидек, ҳар лаҳза халқ дарди ва муаммолари билан яшаймиз, уларнинг хал қилинишида давлатимиз раҳбарига камар-бама бўламиз.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Маҳлис Сенати аъзоси.

КУН ТАРТИБИДА — ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қарор ҳамда фармонлари эса, ўз навбатида, тадбиркорлик, фермерлик ва хусусий бизнес вакиллари имкониятларининг кенгайишига туртки бўлмоқда.

Депутатлар томонидан қўриб чиқилган қонун лойиҳаси нормаларида ер участкаларининг ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгилаш, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини тутғаниш бўйича ваколатларини қисқарттириш масалалари ўз аксини топмоқда. Шунингдек, лойиҳа билан ер участкаларини давлат ҳамда жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ваколати Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгисига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига берилган.

Қайд этилганидек, лойиҳага корхоналарни (ташкilotларни) давлат тасаруфидан чиқариш ҳамда мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларининг қайта қўриб чиқиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслики назарда тутувчи нормалар киритилган.

Халқ вакилларининг таъкидлашчи, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мулкдорлар ҳуқуқларини, уларни мулк ҳуқуқидан асоссиз равишда маҳрум этишдан ҳимоя қилади. Шу билан бирга, ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарларнинг ўрни (шу жумладан, давлат томонидан) тўлиқ қопланиши, мулкдорларнинг давлатга ва унинг органларига бўлган ишончи ортишига хизмат қилади.

Баҳс-мунозара ҳамда қизгин тортишувлардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Ўсимликларни гайриқонуний равишда кесманларга жиноий ва маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда

Сўнгги пайтларда даракларнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ ҳолатлар учраб турибди ва бу кенг жамоатчиликнинг муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, Президентимизнинг тегишли Фармонига кўра, давлат ўрмон фондида қирмайдиган дараклар ҳамда буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига ўтган йилнинг 1 ноябрдан шу йилнинг 31 декабрга қадар маторрий жорий этилган.

Йилгилишида экология ва атроф-му-

мини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони соҳадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилган.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан дараклар, буталар ва бошқа ўсимликларни гайриқонуний равишда кесилиш, уларни йўқ қилиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки кўчириб ўтказиш учун жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик кучайтирилган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилаётган ўзгаришларга кўра, жавобгарлик чоралари аввалгисига нисбатан икки баравар оширилмоқда. Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мазкур соҳада содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ва маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёси ҳам мусодара қилиниши назарда тутилган.

Шунингдек, жойларда ўзларига вақтинча ёки доимий равишда фойдаланишга ажратилган ёки бириктирилган майдонлардаги даракларни сақлаш ва уларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаганлик учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан йигирма баробаригача миқдорда жарима белги-ланмоқда.

Депутатлар қайд этганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атроф-муҳит муҳофазаси борасида қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, давлат органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш орқали бу борадаги ҳуқуқбузарликлар камайиши юзасига чиқарилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик палатасида адлия вазирининг ахбороти эшитилди

Мамлакатимизда миллий ҳуқуқ тизмини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини тизимли етказиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизи-

даги маблағларнинг сарфланишига асос бўлади.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қиммат-баҳо металлари олтин изловчилар учулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахсларга янада қўриқлиқ яратилишига, шунингдек, ушбу фаолият турининг янада такомиллаштириш боришига хизмат қилади.

Депутатлар Бош вазир ўринбосарининг жавобини қандай баҳолади?

Мажлисида яна бир муҳим масала — Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимовнинг "Мамлакатимиздаги моддий маданий мерос объектлари ва ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масала бўйича Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавоби депутатлар томонидан атроф-чида кўриб чиқилди.

Парламент сўровига келган жавобда қайд этилганидек, мамлакатимиз ЮНЕСКОнинг соҳага оид барча асосий халқро ҳужжатларига қўшилиш чораларини кўриб, тарихий-маданий миллий қончиликка имплементация қилинмоқда. Кейинги пайтларда Ўзбекистон ҳудудидаги ноёб маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, тарихий шаҳарларнинг бош лойиҳаси ва менежмент режасини ЮНЕСКО халқро стандартлари ҳамда талабларига мувофиқ ишлаб чиқишда мазкур тузилманинг халқро экспертлари ҳам кенг жалб этилмоқда.

ЮНЕСКО билан яқин ҳамкорликда моддий ва номоддий мерос объектларини асрашга доир турли халқро анжуманлар ташкилланган. Мазкур тадбирлар маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш йўлидаги долзарб муаммоларни кўриб чиқиш, халқро тажрибани ўрганиш, тарихий-маданий мерос сақланишини таъминлашга доир миллий тизимни такомиллаштириш, бу йўналишдаги давлат ва нодавлат нотижовор ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш имконини бермоқда.

Айтиш жоизки, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида киритилган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни кўриш "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурида ҳам назарда тутилган бўлиб,

ТАЪЛИМ СИФАТИГА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ВАЗИФА, ДЕБ ҚАРАШИМИЗ КЕРАК

Яна бир муҳим жиҳат. Байрам тадбирида бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ доимласи таълим ҳамда илм-фан соҳасидаги энг сўнгги янгиликларни ўқув жараёнида татбиқ эта оладиган, чўқур билим ва дунёқараш эгаси, замонамиз ҳамда жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлиши кераклиги айтиб ўтилди.

Сабоби бундай устозлар кўлида таълим олган ўқувчилар Ўзбекистоннинг ёрғу келажакини бунёд этишга қодир авлод бўлиб камол топади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам энг катта бойлик, бу — ақл-заковат ва илм, энг катта мерос, бу — яхши тарбия, энг катта қашшоқлик, бу — билимсизлик эканини алоҳида таъкидлагани ёдимизда. Мурожаатда бу сўзларнинг яна тақдор янграши бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч, бу — илм-фан, таълим ҳамда тарбиядир.

Нутқда дунё миқёсидаги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини яратиш, таълим масканларининг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, соҳа ҳодимларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидландики, бу бундан кейин ҳам уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб кадрлаш доимий эътибор марказида бўлишидан далолат беради.

Шунингдек, мурожаатда мактабларда информатика,

кимё, хорижий тиллар каби фанлар бўйича ўқитувчилар етишмовчилигини бартараф этиш мақсадида педагогик бўлмаган йўналишлар бўйича олий таълим олаётган ёшлар учун қисқа муддатли педагогик курслар ташкил қилиниши ҳам айтиб ўтилди. Бу партияимиз сайловолди дастурида илгари сурилган вазифаларга тўлиқ Ҳамоҳангдир.

Сайловолди дастурда таълим-тарбия соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, Таълим тизимидagi кодексни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатимиз халқ таълими тизимига ривожланган давлатлар таълим тарбияларини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бизнинг асосий мақсадимиз — мактаб, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш, давлат-хусусий шериклик ва хусусий сектор ресурсларидан кенг фойдаланиш, "фуқароларни бутун умри давомида ўқитиш" моделини ҳаётга татбиқ этиш, аҳолининг олий таълим билан қамраб олиншини ривожланган давлатларники даражасига етказиш.

Умуман, бугун борлигини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати ҳар қандай юксак баҳога муносиб. Зотан, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғулари сингдиришда таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси бекиёсдир.

Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'зЛиДеР фракцияси раҳбари.

ушбу дастурнинг 221-бандида Моддий маданий мерос объектлари ҳамда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш вазифаси алоҳида қайд этилган.

Таъкидланганидек, ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатида киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теғраларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда руҳсатнома олмастан қуриш ёки бузишга оид республика бўйича шу йилнинг ўтган даврида 39 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилди ва қўриб чиқиш учун судларга юборилди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИ ИЛМ ВА МАЪРИФАТДА

Ўзбекистон Президентининг томонидан бугунги кунда миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш энг муҳим ҳамда устувор вазифа қилиб кўйилди. Бу йилда муҳим омиллardan бири, албатта, илм-фандир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ушбу соҳа вакилларига алоҳида ғамхўрлик қўрилмоқда ва бу барчамизни мамнун этипти.

Акс садо

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига кенг нишонланди. Ушбу тадбирда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади. Юртбошимиз жамиятдаги ҳар бир жаҳда ривожда устоз ҳамда мураббийларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлади. Мамлакатимиз ривожига ғайират экан, Фанлар академияси фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа вақт мобайнида соҳада тўпналиб қолган муаммоларни бартараф этиш, жумладан, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш, илмий ишланма ва илмий ҳажмдор технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш учун инновацион муҳитни яхшилаш, илмий тадқиқот фаолиятининг самардорлиги ҳамда сифатини ошириш, илмий-амалий натижалар ва яратилаётган илмий ҳажмдор маъсулотларнинг ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилди, бир

қанча муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ушбу ислохотларнинг амалий ифодаси уларок, Фанлар академиясида олиб борилаётган фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар натижаларини иқтисодийотиқнинг ривожига ҳисса қўшиб келмоқда, қисқа вақт ичида уларнинг баъзилари халқро қаражада тат олинди.

Фанлар академияси фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкиллаштириш, бошқариш ва молиялаштириш тизимини тубдан янгилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қадрлар тайёрлаш масаласига катта аҳамият қаратиляпти. Олий ўқув юртлиари магистратура талабаларининг магистрлик диссертацияларини академикнинг илмий лабораторияларида тайёрлаш йўлига қўйилди. Стажер-тадқиқотчилик институти ташкил этилди.

Хозирги кунда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларини капитал таъмирлаш

ва илмий лабораторияларини энг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ишлари бажарилмоқда. Ишонимизки, бу жараён узлуқсиз давом этади.

Булардан ташқари, Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари биноларини сақлаш, бошқарув ва техник ходимларга ҳақ тўлаш харажатлари бевосита Давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш механизми жорий қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан учинчи Ренессанс даври бўсағасида турганимиз алоҳида таъкидланди. Бу, биз олимлар, илм-фан аҳли олдида ҳам катта вазифаларни кўяди. Негаки, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳеч бир Ренессанс даври илм-фансиз ривожланмаган. Жумладан, Хоразм Маъруф академияси, Мирзо Улугбек расадхонаси Ренессанс даврларининг тамал тошлари ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда илм-фанни замонавий асосда тараққий этириш давлат сиёсати даражасида олиб боришмоқда. Хусусан, ФА Математика институтига Тошкент шаҳрининг Олмазор туманига янги қурилган бино оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бегараз ўтказиб берилди ҳамда институтининг моддий-техника базасини жаҳон андозалари асосида мустаҳкамлаш мақсадида меълбель жиҳозлари, юқори технологик ком-

пьютер техникаси ва дастурий маъсулотлар билан таъминланди.

Фанлар академиясининг 11 та кимё-биология йўналишига асосланган илмий-тадқиқот муассасаси олий таълим муассасаларида кимё ва биология йўналишларида самарали ўқув жараёнини уюштириш, фанларни ривожлантириш учун уларнинг қўллаб турдощ кафедраларига бириктирилди.

Бундан ташқари, Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётини ривожлантириш йилида барча бўлгани каби Фанлар академияси тизимида ҳам замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларда уларни қўллаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига асосан Фанлар академияси қошида Ахборот технологияларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Фанлар академияси тизимидаги барча илмий-тадқиқот муассасаси оптик талали алоҳда каналлари орқали юқори тезликдаги интернет билан таъминланди. 2020 йилнинг биринчи ярми йилгиликта юқори параметри хусусиятлар талаб этадиган графикали ва илмий ҳисоблашларни бажариш учун юқори

самадорликка эга бўлган компьютерлар келтирилди. Ушбу компьютерларда илмий тадқиқот ишларининг натижасини олдиндан прогнослаш мумкин, яъни бу технологиялар илмий башорат қилиш ҳамда бир вақтнинг ўзида мураккаб жараёнларни моделлаштириш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтганда, илмий фаолиятни тараққий топтиришдан кўзланган мақсад, энг аввало, ҳар бир мамлакатда иқтисодий, сиёсий ва стратегик барқарорлиқни таъминлашдан иборат. Шундай экан, ҳар қандай тадқиқот иши, биринчи навбатда, амалиётга хизмат қилиши, ундаги мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг аниқ йўналишларини кўрсатиб бериши, фан соҳаларини ҳар бир йўналишининг истиқболдаги тамоқилига ҳисса қўшиши лозим.

Юртбошимиз томонидан илм-фан соҳасида олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда, барча имкониятимизни мамлакат кудратини янада юксалтиришга йўналтирамиз. Зотан, юртимизда таълим-тарбия жараёни ҳамда илм-фан тараққийоти давлат сиёсати даражасига кўтарилиши соҳа ходимлари қалбида ўз қисбига текис мейр ва фахр туйғулларини уйғотгани айни ҳақиқат.

Бехозод ЙЎЛДОШЕВ,
ЎзРФА президенти, академик.

«ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ТАРИХ, ЯНГИ ЙЎЛ ШАКЛЛАНМОҚДА»



Игорь ПАНКРАТЕНКО,
Стратегик баҳолаш ва башоратлар маркази бош директори:

— Бош Ассамблеянинг якунланган 75-сессияси воқеаларга бой бўлди. Аммо унинг муҳим сенсацияси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи бўлди.

Ўзбекистон раҳбари ўз чиқишида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласида долзарб, дунёнинг етакчи дипломатлари хал қилиш учун бош қотириб келаётган муаммага нисбатан янги ёндашувни илгари сурди. Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридан туриб "Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз... Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзумидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада "Бекор ва вайронкор вазиятдан — тинчлик ва бунёдкорлик сари" деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир", деган сўзлари барчада катта таъсирот уютди. Оқдид айтганда, Ўзбекистон раҳбарининг сўзлари "Афғонистонда жанг қилишни тўхтатиб, бунёдкорлик билан шуғулланиш", деган тамойилни акс эттирди.

Расмий Тошкентнинг "Афғонистонни таҳдид манбаи эмас, балки минтақа учун имкониятлар замини сифатида кўриш лозим", деган қатъий қарори Афғонистондаги ва унинг ташқарисидаги сиёсий жараёнларга хал қилувчи таъсир кўрсатди. Мазкур страте-



гик қарорни амалга оширишдаги илк муҳим қадам 2018 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилган тадбирнинг асосий ютуғи шундаки, у орқали дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда кечяётган қон тўкилиши жараёнига эътибори "қайтарилди". Тошкент анжумани Афғонистон ичида ва унинг ташқарисидаги сиёсий жараёнларнинг бошланишига кучли туртки берди. Тошкентдаги форумсиз "Доха-1" ҳам, "Доха-2" ҳам бўлмади. Хатто бир-бирига мулақо текари фикрлайдиган инсонлар ҳам бу борада яқдидирлар.

Афғонистонда Тошкентга ишониади, унга суянади. Ўзбекистон етакчисининг бу мамлакатни фақат таҳдид манбаи сифатида кўришни тўхтатиш ва Афғонистонга имкониятлар нуқтаи назаридан қарай бошлашга қаровли кенг халқаро ҳамжамият томонидан бирдек қўллаб-қувватланди.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Сайёр қабул

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга муносабат ўзгарганини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Бошқача айтганда, кўп вақт ёпиқ турган, биров тақиллатса-да, очилмаган эшиклар бугун очилди.

Ҳар бир мурожаатнинг ечими бор

Раҳбарлар аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларни эшитиш, дардларини тинглаб, унга даво топишни ўрганди, десак, хато қилмаган бўламиз.

Дарҳақиқат, инсон ва унинг маънавияти юксак қадрият даражасига кўтарилиб, устувор тутилган, масъул раҳбарларнинг бунга муносабати ўзгарди. Ҳозир йиллар "мавсуумозлик"ка ўрганиб, буниси ҳам "ўтиб кетар", қабилида иш тутиш ўзини оқламаганлиги бугун рубурў келинаётган муаммоларнинг илдизидир. Қолаверса, ҳар бир мурожаат ортдаги фуқаро ташвишини чуқур ўрганиш, унга мутасаддиларнинг муносабати ўша раҳбарларга халқнинг ишончини ҳам белгиламоқда.

Бунга Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри мисолида гувоҳ бўлиш мумкин. Шаҳар ҳокими, 1-сектор раҳбари Анвар Ражабовнинг Алишер Навоий номидаги маҳаллада ўтказган сайёр қабулига турли мазмундаги 12 та мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг 10 таси жойида ҳал этилди. Иккита мурожаат аниқ муддатли топшириқлар берилди.

Мурожаатларнинг асосий қисминини тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун имтиёзли маблағ, ер ажратиш, банк кредити олиш, бандлик каби масалалар ташкил қилади. Чунонки, бир неча йилдан буён тижувчилик фаолияти билан шуғулланиб келаётган Зарнигор Мустафоевичнинг 10 донна тижув машинаси хариди учун кредит масаласида амалий кўмак сўраб қилган мурожаатини Халқ банки Зарафшон шаҳар филиали ўз зиммасига олди.

Шунингдек, Дилафрўз Омоновнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш мақсадида ер ажратилишини сўраб қилган мурожаати эътибордан четда қолмади. Фуқаролар Шохруҳ Исмоилов ва Феруза Абдиеваннинг ишга жойлаштириш масаласидаги мурожаати ҳам ижобий ечим топди. Сайёр қабулда ногиронлиги бўлган фуқаро Анвар Искандаровга Мурунтау маҳалласидан уй ажратиб бериш бўйича мутасаддиларга аниқ муддатли кўрсатма берилди.

— Ҳар бир мурожаат ортда бир ёки бир неча кишининг оруз-истаги, қийин вазиятдан чиқишда бошқаруvingн кўмагига муҳтожлик ётади. Бундай ҳолатдаги кишига ёрдам беришни нафақат раҳбарлик маъсулияти, балки инсоний бурч деб қабул қилишимиз керак, — деди А. Ражабов.

Учрашувда куз-киш мавсумига ҳозирлик ишлари ва коммунал соҳадаги муаммо ҳамда қанчиларга ҳақиқат ҳам сўз юритилиб, аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи».)

ОИЛАЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ҳамда фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш ташаббусини илгари сурди. Бу бежиз эмас. Чунки бугун мамлакатимизда олдига турган энг муҳим вазифа ҳам халқлик, адолатпарвар жамиятни вужудга келтириш, фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали оилалар фаровонлигини қароватлаш саналади. Бундай жамият пайдоворини эса, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини билладиган, маънавий соғлом ҳамда маданий савияси баланд минглаб ва миллионлаб оилалар ташкил этади. Шу боис юртимизда оилага мухтазам равишда ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий ҳамда маънавий кўмак бериш борасида кенг кўламли сайёр-харажатлар олиб боришмоқда.



ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда ушбу дастур изчил амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар берилляпти. Хусусан, бунинг

лаштирилган ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) шунингдек, уларнинг ўн тўрт ёшга-ча бўлган боласини парварош қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлиниши, қоронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббусига қўра бекор қилиш тақиякланиши белгилаб қўйилди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати жорий йилнинг 15 октябрь кунига қадар узайтирилганлиги фуқароларнинг, оилаларнинг муҳофазаси давлат ҳимоясида эканлигининг яна бир амалий тасдиғидир.

Президентимизнинг шу йил 24 апрель куни карантин даврида аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилётган чора-тадбирлар юзасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берган топшириғи асосида ҳар бир сектор раҳбари томонидан эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш дафтари — "темир дафтар" юритилиши йўлга қўйилди. Мазкур рўйхатга киритилган аҳолига доимий равишда зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда. Албатта, уларнинг барчаси оилалар фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоиз, хозирги вақтда Президентимиз қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси", доирасида ҳам муайян ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Бинобарин, ушбу концепцияни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиздаги ҳар бир оиланинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқариш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, оилавий муносабатлар мувозанатини таъминлаш, оила фаровонлигини ошириш, мухтасар айтганда, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, давлатимизнинг изчил ва барқарор тараққиётига эришишдир.

Оила жамиятнинг асосий бўғини экан, унинг мустаҳкам бўлиши, фаровонлиги учун қўрилаётган чора-тадбирларнинг самардорлигини ошириш мақсадида мувофиқ, Зеро, юртимиз ва жамиятимиз равнақи оилалар тинчлиги ҳамда иқтисодий барқарорлигига бевосита боғлиқ.

Шахноза ЭРГАШХЎЖАЕВА,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг Маркетинг кафедраси мудири, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

Бугуннинг гапи

Аёнки, оилалар фарзандлар сони, уларнинг соғлом, билимли, одобли бўлиб етиштирилиши учун харажатларни ўз даромадларидан келиб чиққан ҳолда сарфлайди. Одатда бу харажатларнинг бир қисминини давлат кўтарилади. Булар тиббиёт, маориф, спорт, таълим кабиладир. Қолган харажатларни ота-оналарнинг ўзлари амалга оширади. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан бирга, ана шу харажатларда оиланинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Демакки, оиладаги фаровонлиқни таъминлаш учун товар ва хизматлар яратиш, оилавий бизнес, яъни мулк эгаси сифатида индивидуал ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Оила иқтисодиёти, унинг фаровонлиги оилада меҳнатга лаёқатли

фақат ҳалол, маънан юксак, банки келажакда яхши ҳўжалик юритувчи инсонни тарбиялашимиз зарур.

Оилалар фаровонлигини таъминлашда бизнес муҳитини шакллантириш муҳим омили саналади. Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки тадбиркорлик орқали оилалардаги муаммолар қамқамди, аҳиллик ортдаги ва ижтимоий ҳимоя таъминланади.

Яна бир муҳим ҳужжат — давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар би оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисидаги қарори орқали бизнеснинг ушбу шақли билан шуғулланаётганларга қўллаб имтиёз ҳамда им-

учун энг кам иш ҳақининг юз эллик бараварига, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига фаолиятини ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг миң бараварига, тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳалари учун эса энг кам иш ҳақининг миң бараварида ортқ миқдорда кредитлар ажратилаётди. Қарор билан оилавий тадбиркорлик фаолияти учун ер ажратиш масаласи ҳам ўз ечимини топди.

Умуман айтганда, ушбу ҳужжат ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ҳамда барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида ҳам аҳоли ҳамда оилалар давлатимизнинг доимий ижтимоий ҳимоясида. Аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда бошқа қатор норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши, албатта, фидоий халқимиз ва тадбиркорларимизни оғир ҳамда синовли кунларда саросимага тушиб қолмасдан, карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўз ишларини давом эттиришлари асос бўлаётди. Хусусан, ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича шу йилнинг март — июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган оилалари бўлган оилаларга нафақа, бола парварош бўйича нафақа ва моддий ёрдамлар тўлаши янги муддатда давом этиши тўғрисидаги ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда 6 ой муддатга танаффуссиз давом этирилиши, янгидан ижтимоий нафақа олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар сонини қисқартириш, ўн тўрт ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парварош бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сонини 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга ошириш белгилаб берилди.

Аҳолининг меҳнат муносабатлари ҳам алоҳида ҳимояга олинган бўлиб, қоронавирус инфекциясини билан зарарланиши ёки зарарланган, деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жой-



Сурат "Халқ сўзи" фотомаълумотидан олинди.

азволар мавжудлиги, уларнинг тадбиркорлиги, билими, иқтисодига кўн жиҳатдан боғлиқ. Бу меҳнат билан топилган мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан йиғилган моддий неъматлардан иборат бўлгани сабабли, ана шу неъматларни яратишда иқтисодий билим муҳим ўрин тутди. Шунинг учун биз на-

ЮРТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ ОРТМОҚДА

"Янги Ўзбекистон" шиори остида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли очик сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ортыпти. Бу бир қатор халқаро рейтинг кўрсаткичларида ҳамда нуфузли анжуманларда ҳам кенг эътироф этиляпти.

Фахр

Айни пайтда Ўзбекистон халқаро аҳамиятга эга ташаббуслари билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) доирасидаги ҳамкорликка янги гача мазмун-моҳият бағишлаб, икки томонлама алоқаларни жадал муносабатларга келтирди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида нутқ сўзлаб, дунёда барқарор ва узлуқсиз тараққиётни таъминлашга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Ўзбекистон раҳбари халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ҳамда глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасида ўз нуқтаи назарини тақдим этиди, мамлакатимизни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Айниқса, глобал пандемия туфайли дунё мамлакатларида нафақат соғлиқни сақлаш тизимлари, балки иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда инқирозли вазият юзашга келиб, пандемиядан кейинги тикланиш ҳамда барқарор ривожланишда БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари билан фаол халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

"Италия — Ўзбекистон" Савдо палатаси президенти Луиджи Ипертининг таъкидлашича, Ўзбекистон бунгича ўн йилда қатор ислохотлар босқичидан ўтди ва хозирги кунда Президент демократик жараёнлар янги тас улган "янги Ўзбекистон" ҳақида гапириши мумкин. Унинг болавер меҳнатининг беқор қилиниши, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гендер тенглиги ҳамда хотин-қизларни

қўллаб-қувватлаш, эътиқод эркинлиги ва коррупцияга қарши кураш ҳақидаги сўзлари алоҳида диққатга сазовордир.

Давлат раҳбари томонидан БМТ шафёлигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексини ишлаб чиқиш тақлифи ҳам айни пайтдаги муҳим ташаббуслардан бири бўлди. Мазкур ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорларини олдидаги мажбуриятларини акс этиши, узоқ муносабатларнинг янада мустаҳкамлаши, ишонч омилларининг шаклланишига замин яратди.


Хозирги йилларда гендер тенглик сиёсати мамлакатимизнинг устувор йўналишига айланган, десак, адашмаймиз. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ҳамда иштироки тобора ортиб бораётди. Биргина, ўтган йили бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда хотин-қизларнинг улуши 150 депутатдан 48 нафарини ташкил этди. Бу кўрсаткич, албатта, кўп нарсадан далолат беради. Қолаверса, Олий Мажлис Сенатида Хотин-қиз-

лар ва гендер тенглик масалалари бўйича алоҳида қўйма ташкил этилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз нутқида юртимизда диний эркинлик борасида вазият кескин яхшилангани, миллатлараро тотувчилик ҳамда диний бағрикенглигини янада мустаҳкамлаш муҳим вазифа эканлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, диний эркинлик бўйича кейинги йилларда амалга оширилган ишлар халқимизга, шунинг баробарида, халқаро жамоатчиликка ҳам яхши маълум. Бу ўринда диний масалалар бўйича махсус рўйхатда турган шахсларнинг ушбу рўйхатдан чиқарилгани, қўллаб диний маҳбустлар афв этилгани, янги масжидлар очилаётгани, диний таълим олиш учун имкониятлар кенгаётгани 2020 йилда АҚШнинг халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) Ўзбекистонни "диний эркинлик соҳасида алоҳида хавотирга молик давлатлар" қаторидан олиб ташлангани алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Яна бир муҳим масала, бу — ёшлар масаласи. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Ҳар бир йигит-қиз-

«ТАРТИБГА СОЛИШ ГИЛЬОТИНАСИ» — АМАЛДА



Шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг амалдаги барча қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритилиши лозим.

Керакли ҳужжатларни излаш жараёнини осонлаштириш учун Адлия вазирлиғига Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилдаги қарорига мувофиқ яратилган ҳамда 2017 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий базасини такомиллаштириш вазифаси юклатилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва оператив, ташкилий ҳамда бошқа характердаги ҳужжатларни, шунингдек, ўзгартиш ва қўшим

